



“ 18 ” октябрь 20 18 у № 97

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда статистика фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини тубдан ошириш, статистика ахборотлари сифатини ва уларни тарқатиш тизимини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури”га мувофиқ, давлат статистика органларида хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобот маълумотларини бирламчи статистик таҳлилни ўтказишни тартибга солиш мақсадида, **БУЮРАМАН:**

1. “Давлат статистика органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобот маълумотларини бирламчи статистик таҳлилни ўтказиш тартиби” (кейинги ўринларда Тартиб деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати бошқарма ва бўлим бошлиқлари, ўзлари мутасадди бўлган бўлинмаларда ушбу Тартибни барча ходимлар томонидан пухта ўрганиб чиқилишини ва иш фаолияти давомида унга қатъий амал қилинишини таъминласинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари бошлиқлари барча даражадаги давлат статистика идораларида ушбу Тартибга қатъий амал қилган ҳолда иш фаолиятини ташкил қилсинлар.

4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси (М.Норматов), мазкур буйруқни Қўмита марказий аппарати бошқармалари ва бўлимларига таништирилишини ҳамда қуйи тизим органларига етказилишини ташкил этсин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Раис

Б. Бегалов